

# Ishonch

2019 йил 26 сентябрь • пайшанба • № 117 (4246)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саянни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган БМТ ҳамда унинг тузилмалари билан конструктив муносабатлари тобора мустаҳкамлашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад Ал Хусайн ва БМТнинг Дин ёки этник эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг мамлакатимизга ташрифлари натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлаш, бу борадаги халқаро мулоқотни янада ривожлантиришга қаратилган «Йўл хариталари» амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг ўнта асосий шартномасига қўшилган. 2018 йил ноябрь ойида Самарқандда илк бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон парламенти томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва малака тўғрисидаги декларациясини амалга ошириш бўйича миллий дастур қабул қилинган. Ушбу ҳужжат суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимини оширишни назарда tutади.

Юртимиз суд-ҳуқуқ тизимига халқаро стандартларни жорий қилиш орқали судья ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий вазифаларидан биридир.

Хусусан, янги орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, судьяларни узоқ муддатга тайинлаш ва суд қарорларини жамоатчиликка эълон қилиш амалиёти жорий этилди. «Хабес корпус» ва «электрон одил судлов» механизмларини қўллашни кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимизда адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш ва ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Адвокатлар палатасининг роли ортиб бормоқда.

Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди, Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилигини янада такомиллаштириш жиҳатлари ва қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг махсус маърузачиси самимий қабул ҳамда ташрифи тадбирларга бой дастур асосида ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдирди.

Диего Гарсия-Саян Президентимиз ташаббуси билан давлат ва халқ ўртасида бевосита мулоқот орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш, қонунийлик ва ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш, одил судловни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолади.

БМТнинг юқори мартабали вакили Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорликни давом эттиришга ва демократик янгилашларни амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА



Фарғона вилояти

Муваффақият омиллари

## Меҳнати ҳалолга Худо бераверади

Куз. Юртимизда йғим-терим авж палласида. Айниқса, пахта ҳосилини йғиштириб олишга қизғин киришилган. Бу йлги йғим-терим фақатгина ихтиёрий тарзда амалга оширилмоқда. Етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, нест-нобуд қилмай йғиштириб олишни эса юртининг ҳақиқий фидойилари амалда исботламоқда.

Хусусан, Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалигида ҳосилнинг асосий қисми йғиштириб олинди, шартнома режаси ортиги билан уддаланди. Фермер хўжалигимиз тасарруфидан 500 гектар ер майдони бўлиб,

унинг 126 гектарига пахта эккан эдик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротова. – Барча агротехник тадбирларни маромида бажардик. Мана, ўйлаганимиздан ҳам кўп ҳосил олдик.

2

### КУН НАФАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев жорий йил 23 сентябрь куни Британиянинг Оксфорд шаҳрида бўлиб ўтган Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази (ОИТМ) Халқаро академик консултатив кўмитасининг 11 мажлисида иштирок этди. senat.uz

АҚШга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация 2019 йилнинг 23 сентябрь куни Осиёда ҳамкорлик ва ишонч қарорлари бўйича кенгашига (ОҲИЧК) аъзо давлатлар вазирлари учрашувида иштирок этди. mfa.uz

2019 йилнинг 23-28 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида Шерикчилик ва ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битим (ШХҚБ) лойиҳаси бўйича музокараларнинг 3-раунди бўлиб ўтмоқда. mfa.uz

Жорий йилнинг 25 сентябрь кундан эътиборан Тошкентдан қўшни Қозғоғистон Республикасининг Хорғос ва Петропавловск шаҳарларига мунтазам автобус қатновлари йўлга қўйилди. Транспорти вазирлиги Ахборот хизмати

Андижон – Ўш йўналиши бўйича микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилди. uza.uz

2019 йилнинг 24 сентябрь куни Қозғоғистон Республикасининг Нур-Султон шаҳрида Евросиё давлатлари Спикерларининг 4-йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати

### Кун эътирофи

Диего Гарсия-Саян:

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР БЎЙИЧА ЎРГАНИШЛАРИМ НАТИЖАСИ, ХУЛОСАЛАРИМ ИЖОБИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саянни қабул қилди.

Қабулдан сўнг Диего Гарсия-Саян ЎЗА муҳбирга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президент Шавкат Мирзиёев билан мулоқотимиз самарали бўлди. Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шароит яратиш, соҳа ходимлари моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан сўнги йилларда амалга оширилган ишлар ҳақидаги ижобий хулосаларимиз бўйича фикр алмашдик. Соҳани ривожлантириш мақсадида ташкилотимиз томонидан берилган тавсиялар давлатингиз раҳбари томонидан ижобий баҳоланди.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда соҳага АКТни жорий этиш муҳим. Бу суд фаолиятини осонлашти-

ради ва шаффофликни таъминлайди. Шунингдек, жамоатчиликнинг суддаги барча қарорлардан тез ва осон фойдаланишига имкон яратади. Бир сўз билан айтганда, соҳага АКТни жорий этиш қонун устуворлиги ва ошқораликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонга ташрифим давомида Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида бўлдим. Маҳаллий аҳоли, журналистлар билан мулоқот қилдим. Ўрганишларим натижаси ўлароқ айтишим мумкинки, хулосаларим ижобий, яхши таассуротдан. Самарали ҳамкорлигимиз давом этиши белгиланган мақсадларга эришиш имконини беради.

ЎЗА муҳбири  
З.ЖОНИБЕКОВ  
ёзиб олди.

## Ҳаётбахш ислохотлар йўлида

# Сиёсатнинг халқчил маънавий қиёфаси

ёхуд мамлакатимизда ижтимоий фикр қандай шаклланмоқда?

Жамоатчилик фикри. У қандай шаклланади, қандай ҳолатларда намоён бўлади? Давлат – жамият – шахс муносабатларидаги ўрни қандай? Бу ҳусусда олимлар кўп йиллардан бери муттасил баҳслашиб келадилар.

«Якка шахсларнинг фикри жамоатчилик фикрига айланмайди, у нари борса, маълум бир қатлам вакилларининг тор шахсий қарашлари даражасига кўтарилади, холос», дегувчилар ҳам бор. Уларнинг фикрича, жамоатчилик фикрининг давлатнинг ўзи юзага келтиради, яъни эришмоқчи бўлган мақсадини ўзига мақбул тарзда, «фалон

жойда одамлар янги ташаббус билан чиқдилар, фалон корхона ишчилари таклиф кириштиди» қабилида халқ, кўпчилик номидан баён қилади. Яъни одамларнинг фикри уюштирилади. Бошқа бир тоифа олимлар жамоатчилик фикри турмуш тарзи, талаб-эҳтиёж, харид қуввати, воқеа-ҳодисаларга муносабат боис туғилади, уни ўр-

ганмаслик таназулга олиб келади, деб ҳисоблайди.

Собиқ тузум мафкурачилари миллий туйғу ва ўзига хосликни писанд қилмай, одамларни «ягона совет халқи»га айлантириш шioriни ўртага ташлади. Бундай тутуруқсиз ғояни назарий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватловчилар топилди, аммо ҳаёт мантиғи сохтакорликни қабул қилмади. Чунки ягона оиллага бирлашиш, бир хил турмуш тарзига ўтиш, бир хил фикрлаш ва ҳатто бир тилда сўзлашиш на жамоатчилик фикри ва на шахсий қараш эмас эди.

4

### Саҳифаларда ўқинг! >>>>>>



Панд бераётган пандуслар 3



Матбуот саҳифаларида БУГУН ЎҚИНГ...

QILA DAVRASIDA

ПОРАНИ «ҲАЛОЛ»ЛАБ ОЛАЁТГАНЛАР КИМ?

XASKI

РАҲМАТ СИЗГА, РАҲМАТИЛЛО!

Qishloq hayoti

ТОНГА БИР НАРХ, ТУШДА БИР НАРХ НЕГА?

Mahalla

ҚУРУҚ ҲИСОБОТЛАРГА ТИРҚАЛГАН ИЖРО АМАЛДА НИМАНИ ЎЗГАРТИРАДИ?

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

# «УСТОЗЛАР – КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪЗОЗИДА»

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан умумий ўрта таълим мактабларида ҳам ўқитувчилик, ҳам бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси вазифасида узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келатган ўстозлар меҳнатини эътироф этиш, рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Устозлар – касабаси уюшмалари эъзозиди» республика танлови қизғин босқичга кирди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, бугунги кунда Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши таркибидagi 18 мингга яқин бошланғич ташкилотларнинг 9 минг 904 таси, яъни

қарийб 55 фоиздан ортиғи умумтаълим мактабларида фаолият юритмоқда.

Танлов жараёнида тармоқнинг туман (шаҳар) кенгашида тузилган комиссиялар томонидан сараланган номзодларнинг ҳужжатлари танловнинг иккинчи босқичига юборилди. Ҳар бир ҳудуддан 3 нафар, жами 42 нафар номзод республика босқичида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлди.

Танловнинг ҳудудий босқичлари қизиқарли ва ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказилди.



## Фаоллик эътирофи

Танловнинг иккинчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари умумтаълим мактабларининг бошланғич ташкилотларида фаолият юритаётган 24 нафар касабаси уюшма раиси ҳакамлар ҳайъати тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, муносибларни саралади.

Қўриқ-танлов якунида Нукус шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Нуржамал Алламуратова 291 балл тўплаб биринчи, Хўжайли туманидаги 1-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Сайёра Маткаримова 246 балл тўплаб иккинчи ва Тўртқўл туманидаги 45-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Озода Юлдашова 234 балл билан учинчи ўринни эгаллади.

Ҳолиблар ва фаол иштирокчилар бирлашма кенгаши томонидан муносиб рағбатлантирилди.

**Зиннатдин ЕСЕНБАЕВ,**  
Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши раиси



## Етакчилик баҳоси

Танловнинг Андижон вилояти босқичида номзодларнинг таълим тизимида эришган ютуқлари, касабаси уюшма етакчиси сифатидаги фаолияти муносиб баҳоланди. Сирасини айтганда, уларнинг барчаси наинки вилоятда, ҳатто республика миқёсида омма-лаштиришга арзигулик педагогик ва ташкилотчилик тажрибасига эга.

Айтайлик, Андижон шаҳридаги аксарият кўйи бўйин раислари иш фаолиятига доир бирор масалада маслаҳатга эҳтиёж сезса, 10-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Зулфия Содиковага мурожаат қилишади. Нега? Чунки опа етакчи сифатида узоқ йил ишлаб, ҳамкасбларининг ишончини қозонган, ҳар қандай вазиятда жўяли йўл-йўриқ кўрсата олади. Педагогик маҳорати ҳам ҳавас қилгулик. Айни шу жиҳатлар эътиборга олинди, ҳайъат томонидан Зулфия Содикова вилоят босқичининг ғолиби деб эътироф этилди.




Асака туманидаги 26-умумтаълим мактаби, Олтинқўл туманидаги 20-давлат ихтисослаштирилган мактаб бошланғич кўмита раислари Абдурашид Эргашев ва Ҳанифахон Мамадалиева иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб кўрилди, ҳар бирининг устозлик ҳамда етакчилик бобидagi фаолияти чиндан ҳам ўзига хос мактаб.

– Мазкур танлов юртимизда устоз-муаллимларнинг кадр-қимматини жой-жойига қўйиш йўлида олиб борилаётган хайри саз-ҳаракатларга ўзига хос ҳисса қўшиши шубҳасиз, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Маҳмуджон Боборов. – Шу маънода танловни узоқ йиллик беҳимнат жамоатчилик фаолиятининг муносиб эътирофи десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Тантанали маросимда ғолиблар ҳамда туман ва шаҳар босқичларида биринчиликни қўлга киритган барча иштирокчиларга ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**  
«ISHONCH»



## Тажриба кўриги

Танловнинг Хоразм вилояти босқичида 28 нафар номзод иштирок этди. Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган ишчи гуруҳ номзодлар тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш баробарида, қатнашчиларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишиш, фаолиятига ҳолис ва адолатли баҳо бериш мақсадида жойларга бориб, тегишли маълумотларни атрофлича ўрганди.

Танлов натижаларига кўра, Хива шаҳридаги 121-Кўзи ожиз болалар давлат мактаб-интернати бошланғич синф ўқитувчиси Хурмат Матчанов биринчи, Янгибозор туманидаги 29-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шаҳодат



Шарипова иккинчи, Янгиариқ туманидаги 22-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Оқилжон Бобожонова учинчи ўринга лойиқ, деб топилди ва уларнинг ҳужжатлари республика босқичига тақдим қилинди.

Вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ҳақиқий байрамга айланди. Унда танлов ташкилотчилари ва иштирокчиларидан ташқари, вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси мутасаддилари ҳам иштирок этди. Бир йўла иккита масъулиятли ва шарафли вазифани узоқ йиллардан бери фидойиллик билан бажариб келатган азиз муаллимлар, касабаси уюшма таянчи бўлган бошланғич ташкилотлар етакчиларининг меҳнати эътироф этилди.

– Ўқитувчилик қилаётганимга 40 йилдан ошди, 32 йилдан буён эса бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раисиман, – дейди Хурмат Матчанов. – Тан олишим керак, муаллимлар меҳнати ҳеч қачон ҳозиргидай қадрланган эмас. Биз эътиборга яраша янада фидойиллик билан ишлашга, келажак авлод тарбиясига янада масъулият билан ёндашишга ҳаракат қиламиз.

Танлов ғолиблари ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Мухаббат ТЎРАБОЕВА**  
«ISHONCH»



## «Танловдан куч олдик»

Танловнинг Сурхондарё вилояти босқичи зўр кўтаринки руҳда ўтди.

Унда ҳар бир туман ва Термиз шаҳридан ғолиб бўлган 14 нафар бошланғич касабаси уюшма кўмитаси етакчилари ғолиблик учун беллашдилар.

Танлов якунига кўра, Бойсун туманидаги 53-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси етакчиси, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ашургул Норқобилова 1-ўринни, Қумқўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактабининг бошланғич касабаси уюшма кўмитаси етакчиси, бошланғич синф ўқитувчиси Ойгул Азимова 2-ўринни, Шеробод туманидаги 27-умумтаълим мактабининг бошланғич касабаси уюшма кўмитаси етакчиси, инглиз тили фани ўқитувчиси Тоҳир Азимов 3-ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўланма олишди.

– Иштирокчиларга барча-шарт шароитлар яратилди, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилоятдаги вакили Моҳира Тоғаева. – Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Ҳаким ат Термизий зиёратгоҳи, Фаёзтепа тарихий обидаси, Султон Саодат мақбараси, Термиз Археология музейи, Термиздаги янги ахборот кутубхона марказларига саёҳатлар уюштирилди.

– Танловда келгуси фаолиятим учун тажрибали устозлар ва ҳамкасбларимдан кўп нарсаларни ўргандим, – дейди Аширгул Норқобилова. – Қолаверса, эътибордан ўзимизга маънавий қувват ва куч олдик. Меҳнатимизни қадрлагани учун ташкилотчилардан миннатдоримиз.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**  
«ISHONCH»



## Эҳтиром намунаси

– Тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари танлов Низомиди белгиланган мезонлар асосида ўрганилиб, баҳоланди, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилоятидаги масъул ташкилотчиси Анаора Бобомуродова. – Натижаларга кўра, энг юқори балл тўплаган Зарафшон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг касабаси уюшма кўмитаси раиси Гавҳар Холбоева, Конимех туманидаги 2-умумтаълим мактабининг касабаси уюшма кўмитаси раиси Нурия Тўрақуллова, Навбахор туманидаги 5-умумтаълим мактабининг касабаси уюшма кўмитаси раиси Зулайхо Узоқова танловнинг республика босқичига иштирок этиш учун тавсия этилди.

Ҳолиблар вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, танловнинг ўтказилиши ўқитувчилар ҳамда касабаси уюшмаларининг фидойи раисла-

рини эъозлашнинг ёрқин намунаси бўлиб, уларга янада фаолроқ бўлиш учун қанот бағишлайди.

**Дилафрўз ҲУСОБОВА,**  
Навоий вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



## Қадр палласи

Фарғона вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида кўриқ-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда туман ва шаҳарларда ғолиб бўлган касабаси уюшма кўмитаси раислари тақдим этган ишлар белгиланган тартибда кўриб чиқилди.



Унга кўра, Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти етакчиси Гавҳарой Тожибоева, Риштон туманидаги 42-умумтаълим мактаби касабаси уюшма кўмитаси раиси Дилором Йигиталиева, Данғара тумани 13-умумтаълим мактаби касабаси уюшма кўмитаси раиси Матлуба Ибрагимова республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

– Аввало, мазкур танлов биз, ўқитувчилар ва бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раисларига бўлган катта эътибор деб биламан, – дейди Дилором Йигиталиева. – Қолаверса, танловда иштирок этиб, ҳамкасбларим билан тажриба алмашиш имконига ҳам эга бўлдим.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда Фарғона вилоятида 920 та мактаб, 2 та Меҳрибонлик уйи, 20 та «Баркамол авлод» болалар маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоятдаги мавжуд умумтаълим мактабларида 623 минг 636 нафар ўқувчига 45 минг 205 нафар педагог таълим-тарбия беришмоқда. Улар касабаси уюшмалари томонидан имтиёзли йўланмалар асосида республика миқёсидаги сўхатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб келмоқда.

**Ўз муҳбиримиз**



## Рағбат янада юқори марраларга ундайди

Лобархон Рустамовани Наманган вилоятида кўпчилик фидойи устоз, жонкуяр маданият вакили сифатида яхши таниди. Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактабида 25 йилдан буён она тили ва адабиёт фанидан ёшларга таълим-тарбия бериб келатган устоз жамоасида ҳам чуқур ҳурмат қозонган.

Кимдир унга олам, кимдир синглим, дея айрича меҳр қўйган. Мактаб бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси сифатида ҳам фаолияти мақтовга сазовор Лобархон Рустамова вилоят миқёсида яна бир бор эътироф этилди ва «Устозлар – касабаси уюшмалари эъзозиди» танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди.

– Охириги уч йил мобайнида ўқитувчиларнинг иш ҳақи 2,5 баробарга оширилди, – дейди Лобархон Рустамова. – 2019 йил 23 август кунин Президентимиз раислигида халқ таълими тизимини ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида 2020 йилда халқ таълими ходимларининг ойлик иш ҳақларини янада ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Узоқ қишлоқлардаги мактабларга ўқитувчиларни жалб этишни янада ривожлантириш учун уларга уй-жойлар, автотранспорт учун кредитлар бериш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси ўқитувчининг моддий қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда ўтказилган мазкур танлов Лолаҳон опа сингари фидойиларнинг меҳнатини қадрлашда муҳим аҳамият касб этди.

Танлов якунларига кўра, Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Лобархон Рустамова, Наманган шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Тоифа Абдуллаева ҳамда Норин туманидаги 1-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Назира Омоновалар кейинги босқичга йўланма олдилар.

Энди улар ўз маҳорат ва билимини «Устозлар – касабаси уюшмалари эъзозиди» танловининг республика босқичида намоён этишади.

**Дилдора РАҲМОНОВА**

# Меҳнати ҳалолга Худо бераверади

«1 Лола Муротова бутун фаолияти давомида мамлакатимиз деҳқончилиги ривожига самарали ҳисса қўшиб, фермерликда ҳавас қилса эрийдиган натижаларга эришди. У Марказий Фарғонанинг чўл-дашт, қумлоқ ерларида иш бошлаганида кўпчилик «аёл бошинг билан нима қиласан, қумлоқ жойлардан ер олиб, манаменан деган эркаклар ҳам бу ерларни олишга ботина олмади. Кўрасан, бу қумлоқ ерлар сени ютиб юборади» дейишган эди. Лекин меҳнатда тобланган Лола опа бу гапларга қўлоқ тутмай, енг шимариб, астойдил ишга киришишни афзал билди. Гектардан базўр 7-8 центнер ҳосил берадиган ерни эпакага келтириш учун ҳузур-ҳаловатидан кечди. Меҳнатлари бесамар кетмади. Опа бугун мана шу

чўл ҳудуддаги ердан галладан 70-80 центнер, пахтадан 40-45 центнер ҳосил олиш мумкинлигини исботлади.

Айни пайтда фермер хўшиб, фермерликда ҳавас қилса эрийдиган натижаларга эришди. У Марказий Фарғонанинг чўл-дашт, қумлоқ ерларида иш бошлаганида кўпчилик «аёл бошинг билан нима қиласан, қумлоқ жойлардан ер олиб, манаменан деган эркаклар ҳам бу ерларни олишга ботина олмади. Кўрасан, бу қумлоқ ерлар сени ютиб юборади» дейишган эди. Лекин меҳнатда тобланган Лола опа бу гапларга қўлоқ тутмай, енг шимариб, астойдил ишга киришишни афзал билди. Гектардан базўр 7-8 центнер ҳосил берадиган ерни эпакага келтириш учун ҳузур-ҳаловатидан кечди. Меҳнатлари бесамар кетмади. Опа бугун мана шу

Ҳа, бугун Лола Муротованинг ютуқлари ҳар қандай инсоннинг ҳавасини келтиради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, Лола опа ҳалоллиги, поклиги, фидойиллиги, ватанпарварлиги учун ҳам унга Худо бераверади.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**  
«ISHONCH»

## Аъзолик афзаллиги

Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда касабаси уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши нодавлат сектори ишчиларини, шунингдек, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни тармоққа жалб этиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

## Улар энди бизнинг сафимизда

Андижон вилоятида жойлашган энг йирик фармацевтика компанияси «MAKRO FARM ANDIJAN» масъулияти чекланган жамияти 2014 йилдан буён фаолият олиб боради. Корхона ташкил этилаётганда 100 киши иш билан таъминланган бўлса, ҳозирги кунда 250 дан ортиқ киши иш билан банд.

Ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, қўлай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш мақсадида корхонада бошланғич касабаси уюшма кўмитаси ташкил этиш юзасидан таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши вакиллари конференция иштирокчиларига давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар, Ҳазратишлар ва имтиёзлар ҳақида маълумотлар беришди.

«MAKRO FARM ANDIJAN» МЧЖ Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмасининг Республика кенгашига қабул қилинди.

**Шахина ЖЎРАЕВА,**  
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг етакчи мутахассиси

## Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касабаси уюшма кўмитаси томонидан Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтларида фаолият юритаётган 250 нафардан ортиқ ёш олимлар ва ишчи-ҳодимларнинг Самарқанд вилоятига саёҳати уюштирилди.

## Унутилмас таассуротлар

Илк манзил Пайриқ туманида жойлашган буюк аллома, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийий зиёратгоҳи бўлди. Шундан сўнг Ғури Амир мақбарасини зиёрат қилдик. Регистон ансамбли ўзининг ранг-баранг кошникор безаклари, улкан гумбазлари билан яна бир бор бизни ҳайратга солди. Саёҳат давомида ноёб ёдгорликлар ҳақида бир қатор маълумотларга эга бўлдик. Шоҳи Зинда мажмуаси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳам барчамизда катта таассурот қолдирди. Саёҳатимиз Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбараси

мажмуасини зиёрат қилиш билан якунига етди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ҳодимларнинг қадимий шаҳарларимизга уюштирилган бундай саёҳатлар кўнгилдаги иш бўлмоқда. Бундан жуда-жуда хурсандимиз. Биз, ёш олимлар ушбу хайрли ишлар ташаббускорларига ўз миннатдорлигимизни билдираемиз.

**Абдуғаффор ХУРМАМАТОВ,**  
Ўзбекистон Фанлар академияси

Умумий ва ноорганик кимё институти катта илмий ходими, техника фанлари доктори, бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси

## Саломатлик посбонлари мамнун

Давлатимиз раҳбарининг «Ички туризмни жадал ривожлантириш таъминлаш тўғрисида»ги қарори ижросини амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» лойиҳаси доирасида Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан 48 нафар тиббиёт ходимининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари бўйлаб саёҳати ташкил этилди.

Саломатлик посбонлари муқаддас қадамжолар ва тарихий максадаларга бўлишди. Беш кун давом этган саёҳат барчада унутилмас таассурот қолдирди.

**Саида АБДУЛЛАЕВА,**  
Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма кўмитаси раиси



Самарқанд вилояти

Луқма

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга алоҳида ғамхўрлик қилиш, уларга қўмаклашиш қонунлар билан кафолатланган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар пандуслар (ногиронлар учун махсус йўлақлар) билан жиҳозланиши шарт қилиб кўйилган.

## Панд бераётган пандуслар

Шундай бўлса-да, айрим жойларда бу борада амалга оширилган ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Ҳўш, муассасаларда бу масалага муносабат қандай? Пандуслар аҳамияти ҳамма жойда ҳам тўғри англаётими?


Аниқланишича, Самарқанд вилоятида умумий ҳисобда 4136 корхона ва муассаса пандуслар билан жиҳозланиши шарт. Ҳозирда уларнинг 4056 тасида пандуслар ташкил этилган. Ўрганишлар давомида 126 та корхонанинг 52 тасида пандуслар ташкил этиш зарурлиги маълум бўлди. Қолаверса, вилоятдаги 540 дан ортиқ пандуслар белгиланган талабга жавоб бермаслиги аниқланган.

Шунга қарамай, айрим субъектларда бу масалага эътибор сустлиги турли нуқулайликларни келтириб чиқармоқда. Масалан, яқинда Қашқадарё вилоятида яшовчи 1 гуруҳ ногирони Б.Сафаров Самарқанд шаҳрига зиёратга келади. Меҳмон овқатланиш учун шаҳардаги «Зафар» тамаддионасини танлайди. Аммо бу ерда пандус ташкил этилмагани унинг кўнглини ранжитди. Тўғри, кейинчалик ошхона маъмурияти бу муаммони бартараф этиб, махсус йўлақча барпо қилди. Лекин ўртада бир инсоннинг кўнгли ранжигани қолди.

Пандус ҳаракатланиш учун ҳар жиҳатдан қўлай бўлиши, кўп қаватли корхона ва ташкилотларда кириш эшиги олдида ногиронларни қабул қилиш учун махсус хона ажратилиши мақсадга мувофиқ. Айниқса, савдо нуқталари, маиший хизмат кўрсатиш объектларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки бу мослама безак ёки ҳужажурсин учун эмас, унинг вазифаси заруратда асқотиш, одамлар оғирини енгил қилишдир.

Усмон ҚАРИМОВ,

Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири



Жиззах вилояти

Давлатимиз раҳбари илгари сўрган 5 та муҳим ташаббуснинг бири жисмоний тарбия ва спортни омма-лаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборатдир. Ҳўш, бу борада Жиззах вилоятида ишларнинг бориши қандай?

Айни пайтда вилоятда 101 мингдан зиёд ёшлар 2 минг 800 тадан ортиқ спорт иншоотида жисмоний тарбия ва оммавий спорт турлари билан шуғулланмоқда.

## ПАРВОЗ ТУШОВИ ёхуд орзулар қачон ушалади?

Жисмоний тарбия ва спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, уларга шароит яратиш, чекка қишлоқларда спортни оммалаштириш учун кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Ином Тожибоев. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 26 та халқаро, 48 та республика миқёсида ўтказилган мусобақада вилоятимиз спортчилари фаол иштирок этиб, халқаро мусобақаларда 60 та олтин, 43 та кумуш ва 55 та бронза, республика беллашувларида эса 168 та олтин, 154 та кумуш, 213 та бронза медалини қўлга киритди.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришган спортчиларнинг ибрати жуда қўл келмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, катта ёшдаги аҳоли қатлами ҳам жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишда умумтаълим мактабларининг спорт иншоотлари базасидан фойдаланишни йўлга қўйиш чоралари кўриломоқда. Мактабларнинг спорт иншоотларидан соат 16:00дан 21:00гача, дам олиш кунлари эрталабдан кечгача 30 минг нафардан ортиқ аҳоли, шу жумладан, ёшлар спорт машғулотида жалб этиляпти.

Таассуфки, соҳада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, айрим спорт иншоотлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, баъзи умумтаълим мактабларида спорт жиҳозлари етишмайди ёки маънан эскирган. Ҳаммасидан ҳам ёмон, спорт мусобақаларининг ҳужажурсинга ташкил этилаётгани умидли спортчиларни тарбиялашга салбий таъсир кўрсатмоқда.



Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири




ЗАФАРБОДЛИКЛАР АРМОНИ

Зафарбод тумани спортчилари рейтинг бўйича вилоятда сўнги ўринда туради. Улар Ўзбекистон чемпионати ва кубогига 3 та олтин, 8 та кумуш, 9 та бронза, халқаро мусобақаларда 1 та бронза медалга сазовор бўлган, холос. 92 та спорт иншоотининг ярми зарур жиҳозлар билан таъминланган. Устига устак, аксарият спорт анжонларининг яроқлилик муддати тугаган. Туманда мунтазам спорт билан шуғулланувчилар кўрсаткичи ёшлар сонига нисбатан 3,3 фоизни ташкил этмоқда.

### ТАҚИР МАЙДОНЛАР...

Туман марказида жойлашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби доим шуғулланувчилар билан гавжум. Ушбу маскан 2017 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бироқ, мажмуадаги футбол майдони тап-тақир. Ҳудудда қачон ободлаштириш ишлари амалга оширилганини билиш мушкул. Унинг атрофида



экилган манзарали дарахтларнинг кўпчилиги қуриб қолган. Мактаб директори Ақром Бўриевнинг айтишича, мактаб ҳудудида оқар сув йўқ. Ўтган йили экилган манзарали дарахтларнинг аксарияти қуриб қолган. Бу йил баҳорда экилган 200 туп манзарали дарахтни пақирда сув ташкил кўкартиришга ҳаракат қилаётган мактаб жамоасига фақат ташаккур билдириш мумкин.

Тасаввур қилинг-а, 18x42 ўлчамдаги катта зал, унинг бурчагида битта бокс ринги бор, — дейди мактаб директори. — Спорт залини на мини-футбол, на волейболга, на баскетболга, на гандболга мослаб бўлади. Қўшимча бино қурилишига шуғулланиш имконияти яратилади. Йўқса...

Спорт залида гимнастика, бокс, кураш бўйича мураббийлар машғулотлар ўтказмоқда. Спорт билан шуғулланаётган болаларнинг кўзларида ўт қақнаб турибди. Уларга шароит яратилса, халқаро майдонларда ўзини кўрсатадиган спортчилар бўлиб етишиши аниқ.

### Оғриқ тишлар...

#### «ТОШДА УНГАН НИҲОЛЛАР»

Элнора Гусейинова гимнастика бўйича мураббий. Унинг қўл остида 12 нафар қиз ушбу спорт турининг сир-асрорларини ўрганмоқда. Улар вилоят очиқ чемпионатлари, бир қатор халқаро турнирларда иштирок этишган. Бироқ бу ерда гимнастика билан мунтазам шуғулланишга деярли шароит йўқ.

— Оддийгина машғулотларни ўтказиш учун анжонлар етишмайди, — дейди Элнора. — Гимнастика гилами олиб беринглр, деб ҳар келган раҳбарга айтаман. Лекин улар «хўп» дейишдан нарига ўтмайди. Бугун мажбуриятдан пол устига палос тўшаб машғулот ўтаётган. Мураккаб машқларни тўғрақ қатнашчилари яхши ўзлаштира олишмайди. Чунки бундай машқларни бажаришнинг иложи йўқ. Спорт залининг иситилмаслиги натижасида қиш ойларида деярли машғулот ўттолмаймиз.

Мухлиса Нахалбоева 4 ёшдан бошлаб шу тўғраққа қатнайд. Ҳозир у 7 ёшда.

— Бир кун машқ қилаётганимизда дугоналаримдан бири йиқилиб тушди. Шундан буён эҳтиёт бўлиб машқ бажарамиз, — дейди у.

Мухлиса сингари истеъдод эгаларига етарли шароит яратиб берилмаса, улар тошлоқ ердан униб чиққан нозик ниҳол ҳолига тушиши турган гап.

#### ҚУВУР КЕЛГАН, АММО...

Спорт мактабининг қурилиш ишлари якунланганда зафарбодлик спорт ихлосмандларининг қувончи чексиз эди. Чунки улар ҳам машғулотлардан чиққандан сўнг иссиқ-совуқ сувдан таналари яйрашни кўз олдидан келтирган эдилар-да. Аммо ҳушқаворани хом санашган экан. Бугун спорт мактабининг ювнини хонасидаги жиҳозлар сув кўрмай қириб бошлаган.

— Биз ҳам машғулот ўтгандан сўнг ювнини-тараниб, олишни истаймиз, — дейди кураш бўйича мураббий Ортиқбой Жўраев. — Сув қувурини маҳаллага келтирган марказий қувурга улашган. Маҳаллага ўзи бир кунда бир маҳал сув келади ёки йўқ. Агарда спорт мактабининг ҳудудида артезиан кудуқ қовланганда, бундай муаммолар барҳам толарди...

Мактаб директори Ақром Бўриевнинг таъкидлашича, 20 тонналик сув йиғилдигаки идиш, 6 та насос агрегати бор, Лекин санитария-эпидемиология станцияси бунга рухсат бермапти. Спорт мактабда бу каби ечимини қутаётган муаммолар бисёр. Аммо мутасаддилар нимагадир масалада қузатувчанликдан нарига ўтишмапти. Муаммолар эса бўлғуси ёш спортчиларнинг оёғига тушов бўлиб, баланд парвозларга имкон бермапти.



Мукимбой ИСМОИЛОВ, «Ishonch»

### Аукцион савдолари хабарномаси

Эълонлар

## «KOC'HMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига «NEFT-GAZQURILISHTA'MIR» акциядорлик жамиятининг 24.09.2019 йилдаги БАП-249-сонли буюртма-хатига асосан «NEFTGAZQURILISHTA'MIR» АЖга қарашли «2-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидаги, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Янги-ҳаёт» ҚФЙ, Амиробод кўрғони ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 59680,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 4388,6 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлар: шундан сотиладиган умумий ер майдони 32000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 365,1 кв.метрдан иборат (**Ҳаммом, Ҳожагонна, Қозонхона бинолари ва КС-10 русумли қозлоғи кран, 1602 метр темир йўл, 270 п/метр девор**) қисми кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси** — 1 503 705 000 (Бир миллиард беш юз уч миллион етти юз беш минг) сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 29 октябрь кунини соат 11:00да Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2019 йил 29 октябрь кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда тақририй аукцион савдолари 2019 йил 5 ноябрь ва 12 ноябрь кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 29 октябрь кунини савдо учун 28 октябрь кунига қадар, 2019 йил 5 ноябрь кунини савдо учун 4 ноябрь кунига қадар, 2019 йил 12 ноябрь кунини савдо учун 11 ноябрь кунини соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик)

**Аукцион савдосида иштирок этиш истигадиги талабгорлар диққати!**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш ис-

тагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кундан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги бўлган талабгорлардан:**

— «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закат пуллари тўлашлари;

— жисмоний шахслардан — паспорт нусхаси;

— юридик шахслардан — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**Закат тўлови учун рекузитлар:**  
«KOC'HMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти, СТИП: 304815549, МФО: 00452, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, х/р: 20208000900759233001.

**«Аукцион ташкилотчиси»** — «KOC'HMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй. **Тел:** +998 90 299-82-92. **E-mail:** [mkmfi@mail.ru](mailto:mkmfi@mail.ru)

Лицензия № RR-0297

## «BEST AUKSION SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МУЛКНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдоларига «Агробанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармасининг 20.09.2019 йилдаги № 22-11/369-сонли буюртма-хатига асосан банк ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран алоҳида ЛОТ тартибда чиқарилмоқда:

1. 2012 йилда и/ч, д/р 01 951 GCA бўлган «SUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус.

**Бошланғич баҳоси** — 121 654 654 сўм.  
2. 2012 йилда и/ч, д/р 01 948 GCA бўлган «SUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус.

**Бошланғич баҳоси** — 121 654 654 сўм.  
3. 2015 йилда и/ч, д/р 01 845 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси** — 69 165 110 сўм.  
4. 2015 йилда и/ч, д/р 01 847 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси** — 69 165 110 сўм.  
5. 2015 йилда и/ч, д/р 01 846 JDA бўлган «Кобальт» русумли енгил (седан) автотранс-

порт воситаси.

**Бошланғич баҳоси** — 69 165 110 сўм.  
Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 11 октябрь кунини соат 11:00да ташкил қилинади.

Аукцион савдоси ғолиби бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчисининг ҳисоб-рақамига мулк сотилиш нархининг 0,5 фоизи миқдорда комиссия йиғимини тўлаб беради.

**Талабгорлар диққати!**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 10 октябрь кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги бўлган талабгорлардан:**

— «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги закат пуллари тўлашлари;

— жисмоний шахслардан — паспорт нусхаси;

— юридик шахслардан — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

**Закат тўлови учун рекузитлар:** «BEST AUKSION SAVDO» MChJ, х/р: 20208000500842710001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИП: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан банк ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. **Тел:** (99) 862-16-71. **E-mail:** [huv\\_savdo@mail.ru](mailto:huv_savdo@mail.ru)  
**Гувоҳнома № 576174**

## Мактабгача таълим раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти 2020 йил учун таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc) ва мустақил пиллашувчилик шаклидаги қўйидаги латвисосишқа таълим олаётган қизларга

1. 13.00.08 - Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси фалсафа доктори (PhD) — 2 та ўрин.  
2. 13.00.08 - Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси фан доктори (DSc) — 1 та ўрин.

Талабгорларнинг ҳужжатлари 18 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.  
**Қўшимча маълумотлар учун:**  
Тел: (98) 313-76-56; (90) 907-76-56; (99) 854-03-42

веб-сайт: [mdmoi.uz](http://mdmoi.uz)



Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси «Ўзбекистон почтаси» АЖ Наманган филиали бошланғич қасаба уюшма ташкилоти раиси

**Мухторжон МУКСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Миробод компьютер технологиялари касб-хунара коллежи томонидан 2016 йилда Хакимджанов Даврон Шухрат ўғли номига берилган **К №4468271** рақамли диплом ҳамда иловаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

# Ҳаётбахш ислоҳотлар йўлида



яратди. Қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлар таълим-тарбия, маданият, ижодкорлик, соғлиқни сақлаш, унармандчилик соҳалари ходимлари меҳнатини янада қадрлаш, иш ва яшаш шaroитларини яхшилашга бағишландики, бу мамлакатимизда бундан буюн жамоатчилик фикрига жиддий эътибор берилишининг далolatидир.

Жамоатчилик фикри эркин фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ҳолатини ўзида аниқ акс эттиради. Шўролар салтанати минтақамизда асрлардан бери мавжуд бўлган жамоатчилик фикрини ўрганиш тамойилига эътибор бермади. Ижтимоий, маънавий эҳтиёжлар ўрганилмади, ташаббуслар эшитилмади ва қўлланмади. Аксинча, тadbиркорлик, ишбилармонлик қонун йўли билан таққиб қўйилди. Бундай ғайриинсоний сиёсат охири-оқибати тузунинг ўзини таназулга олиб келди.

Инсоният тарихида келгуси авлод-

ўз аксини топди. Давлатимиз раҳбари томонидан «Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилиш ҳақида»ги Қонуннинг имзола-ниши муштарак маънавий қадриятлар, анъанавий дўстлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида янги қадам бўлди. Буларнинг бarchаси эл-юрт манфаатлари, миллий юксалиш мақсадларига асосланган янги сиёсатга бўлган ишонч янада мустаҳкамлади, жамият аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширди.

Бугун биз Ўзбекистоннинг янги мақоми бутун дунёда эътироф этилаётган, мамлакатимизда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш кучайиб бораётган бир шароитда яшамоқдамиз. Халқимизнинг эркин ва демократик жамият қуриш йўлидаги қатъий иродаси истиқлол солномасининг сўнгги уч йиллик саҳифасини одамларнинг янги



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**  
Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти,  
«Олтин қалам» XIV миллий мукофоти ғолиби

ижроси қониқарлими?» каби танқидий мақолаларнинг эълон қилиниши, жойларда ҳокимликларнинг халқ билан очиқ мулоқотлари жамиятимизнинг ошқоралик ва очкилик сари кўяётган дадил қадамларидир.

Сир эмаски, собиқ тузум пайтида мамлакат ҳаётига оид энг муҳим маълумотлар (муҳим бўлмаганлари ҳам) халқдан, маҳаллий ҳукуматдан яшириб келинган. Ўзбекистон ҳудудидан қазиб олинган ва марказга пеш-пеш жўнатилаётган ерости бойлик-лари ҳақидаги маълумотлар ҳеч қерда ошқор қилинмаган. Бугун энди бундай маълумотлар марказий банк томонидан расман эълон қилинмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг йиғилиши, муҳим масалалар муҳокамаси он-лайн тарзда эфирга узатилди. Телевиденининг махсус пресс-клубида мансабдор шахслар иштирокида жиддий муҳокамалар ўтказилмоқда. Интернет сайтларида, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида, Kun.uz сайтида авваллари мутлақо «қўл урилмаган», таққиб қўйилган мавзуларда туркум мақолалар, журналист суриштирувлари натижалари чоп этилаётди.

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Мақсад – ахборотларнинг ошқоралиги ва сифат даражасини яхшилаш, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказиш механизми-ларни такомиллаштиришдан иборат. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, мамлакатимизда жамоатчилик фикрининг тўғри ва холис шаклланишига хизмат қилади. Бунини шу йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенашлар депутатлигига навбатдаги сайлов ўтказилиши муносабати билан «Ижтимоий фикр» маркази ўтказган сўровлар натижаларида ҳам аққол кўриш мумкин.

Сўровларда иштирок этганларнинг 82 фоизи бўлажак сайловларда иштирок этишларини, 84,8 фоизи мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг маълум қилганлар. Осиё ва Европада қилган ҳамда ҳам кўзга ташланган бундай рақамлар мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг халқимиз қўллаб-қувватлаётганидан, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, ташаббускорлик ҳисси, фикр уйғуқлиги ўсиб бораётганидан, янада муҳими – Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати халқчил маънавий қиёфа касб этаётганидан далolat беради. Халқни тинглаш ва унга яқин бўлишга шундай натижага олиб келиши мумкин.

**Инсоният тарихида келгуси авлодлар эътибор бериши ва қатъий амал қилиши зарур бўлган сабаблар кўп. Улардан бири шуки, ёш авлод тарбияси бир зум бўлсин ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Бир кунлик эътиборсизлик кейинчалик минг кунлик ташвишга айланиши мумкин. Бу сабаб, айниқса, бузун – глобаллашу шароитида, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё миқёсида давом этаётган бир пайтда ғоят муҳим.**

## Сиёсатнинг халқчил маънавий қиёфаси

### ёхуд мамлакатимизда ижтимоий фикр қандай шаклланимоқда?

Ўзбекистонда «марказ»нинг зуғуми билан пахта яккахокимлиги юзага келди, томорқаларга пахта экилди, 6 миллион тоннали улкан ҳосил хирмонини яратиш «Ўзбек пахтакорларининг орзу-умиди, қўлигул ўзбекистонликларнинг ватанпарварлик бурчи», деб эълон қилинди. Матбуот саҳифалари шу «улғуният»ни шараф билан бажаришга бел боғлаган меҳнаткашларнинг ютуқлари ҳақидаги мақолалар билан тўлдирилди. Лекин охири оқибат бундай сохтакорликнинг «миси» чиқди.

Жамоатчилик фикри ҳаммиса ҳам жамият барча аъзоларининг умумлашган, бир мақсадга йўналтирилган фикри бўлмаслиги мумкин, кўп ҳолларда у маълум муаммо ёки воқеа-ҳодисага бевосита алоқадор (у ёки бу маънода дахлдор) кишиларнинг манфаат ил-инжидаги фикри, шахсий қароши, муносабати шаклида юзага чиқади.

Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳолатга қараб, баъзи ҳолларда яқна шахсларнинг ҳақиқатдан узоқ, бирор бир воқелик, ўзгариш ёки қарор моҳиятини қасддан (тушунмасликдан) бузиб талқин этиши, иддаси бошқаларга, маълум кишиларга таъсир кўрсатиши (кимдир унга қўшилиши) мумкин. Аммо шундай бўлганда ҳам у кўпчилиكنинг муносабатига, яъни жамоатчилик фикрига айланмайди.

Жамоатчилик фикри жамият ҳаётидаги бирор бир янгилик, ўзгариш, муҳим қарор, қонунчиликка киритилган ўзгариш омма ҳужмига ҳавола этилганда, унга нисбатан муносабат асосида кўпроқ шаклланади.

Кейинги уч йил ичида мамлакат миқёсида қабул қилинаётган муҳим қарорлар лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши, сайёр қабуллар, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш республика маркази томонидан турли сўровларнинг ўтказилиши фикримизнинг далилидир. Бу усул одамларнинг ижтимоий фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади, тақлифи инобатга олинган, ташаббус қўлланган кишида Ватан тараққиёти, юрт равангига ишига дахлдорлик туйғуси кучаяди.

Жамоатчилик фикри жамият аъзолари мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига доир режа, якуний (йиллик, олти ойлик) маълумотлар, ҳисоб-китоблардан тўла хабардор бўлганда янада дадил шаклланади. Бунинг акси бўлса, одамлар орасида турли миш-мишлар, уйдирмалар урчиди ва

бундай ҳолат жамоатчилик фикрининг чалғишига олиб келади.

Жамоатчилик фикри воқеалар ривожи таъсирида ижобий ёки салбий томонга ўзгариши мумкин. Шахснинг ўзига, касби, меҳнат фаолияти, эришган натижаларига эътибор ун янада яхшироқ, самаралироқ ишлашга ундайди, бошқаларга ижобий маънода ибрат бўлади. Кейинги йилларда республика касба уюшмаларининг меҳнаткашларнинг самарали дам олишларини ташкил этишдаги фаоллиги ҳам шундай ибратта молиқдир.

Жамоатчилик фикри аҳоли қатламларининг маълум манфаатлари ҳамда эҳтиёжлари, шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллиги (ташаббускорлиги, воқеа-ҳодисаларга муносабати) асосида кўпроқ шаклланади. Шу боис, одамларнинг муружатларига доимо эътиборли бўлиш, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари-га келаятган хатларни, йиғинларда билдирилаятган талаб-истакларни ўз вақтида ўрганиш ғоят муҳим. Чунки ҳар қандай муаммони жойида ва ўз вақтида гасак олдиримай бартараф этиш осон, муаммо чукр илдириб, бошқа ёндош муаммолар ҳам юзага келгач, ахволни ўнглаш анча қийин кечади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг одамларни тинглаш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, муаммоларни келтир-май ҳал қилиш, ташаббускорликни қўллаш сиёсати дунё ҳамжамияти олдида янгилаётаётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий имиджини

лар эътибор бериши ва қатъий амал қилиши зарур бўлган сабаблар кўп. Улардан бири шуки, ёш авлод тарбияси бир зум бўлсин ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Бир кунлик эътиборсизлик кейинчалик минг кунлик ташвишга айланиши мумкин. Бу сабаб, айниқса, бузун – глобаллашу шароитида, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё миқёсида давом этаётган бир пайтда ғоятда муҳим. Бу эътибор ҳар бир ота-она, устоз-мураббийнинг, айни чоғда, жамият ҳар бир аъзосининг, давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, маҳалла фаоллари, касба уюшмалари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ҳам муштарак вазифаси ҳисобланади.

Ёшлар тарбияси қаерда сус т бўлса, ўша ерда тарбия иши таназулга юз тутайди, ҳаётини тажрибаси кам ёшлар турли оқимларнинг таъсирига тушиб қолади. Социолог олимлар жинсий хатти-ҳаракатлар миллий-маънавий илдишлар заифлашган, миллий анъаналарга риоя қилиш сустлашган, талаб-эҳтиёжлар инобатга олинмаётган, ишсизлик кучайган ҳудудларда кўпроқ содир бўлишини алақадор исботлаб берганлар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги сиёсати халқни эшитишдан бошланди. Бу ўзимизда ҳам, хорижда ҳам расман эътироф этилган ҳақиқат. Давлатимиз раҳбари порталга йўлланган му-рожаатларнинг аксариятида жойларда йиллар давомида ечилмай ётган муаммолар, мутасаддиларнинг ёшларни иш, уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймастик, боқувчисиз қолган оилаларни, ногиронларни ижтимоий яхшироқлаш, тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш бора-сидиғи сустлашди, қонун ва адолат тамойилларининг бузилиши каби кўпдан-кўп нохуш ҳолатлар баён қилинди ва уларнинг аксарияти қисқа вақт ичида бартараф этилди. Яқин ва узоқ кўшнлар билан алоқаларнинг тикланиши, йўлларнинг очилиши, икки томонлама манфаатли иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши Ўзбекистоннинг бугунги янги замонавий қиёфасини эл-юртга, минтақа ва дунёга намойен этди. Бу сиёсатнинг илқ шабадаси қўшни мамлакатлар сиёсатида ҳам


онг-тафаккури билан бебагани ғоят муҳим. «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан ўтказган сўровлар натижаси буни аққол кўрсатиб турибди.

Сўровларда иштирок этганларнинг 98,5 фоизи кейинги йигирма саккиз йилда босиб ўтилган йўлнинг энг муҳим ютуғи – халқаро майдонда Ўзбекистон обрўсининг ортиши ва тан олин-иши, 91,2 фоиз киши мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократия тамойилларининг қарор топиши, 90,2 фоизи мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши ва 89,7 фоизи иқтисодийнинг ўсиши, турмуш сифатининг мазмунан яхшиланishi деб ҳисоблайди. Мамлакатимиз раҳбарияти ўтказаятган ташқи сиёсати 95,7 фоиз, ички сиёсати 85,4 фоиз киши қўллаб-қувватлашларини билдирган.

Жавоблардан англашлайдики, истиқлол йилларида сўровларда иштирок этган кишиларнинг 96 фоизи оиласининг моддий ва ижтимоий мавқеи яхшилانган, 75,3 фоиз киши ўзининг бугунги ҳаётининг қониқдигани, 99 фоиздан кўпроқ респондентлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигидан, мустақил мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаётганидан, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан фخرланишларини баён қилишган.

Жамоатчилик фикри давлат бошқаруви ҳамда ташкилотлар фаолиятининг очкилиги билан чамбарчас боғлиқ тушунча. Мамлакатимизда «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида» Қонун, «Давлат бошқарувининг очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент қарорининг қабул қилиниши, ҳукумат портали доирасида очик маълумотлар портали фаолият юритаятгани, матбуотда «Депутат қонун лойиҳасига эътироз билдирди», «Қонун лойиҳаси қайтарилди», «Вазирлик ахбороти сенаторларни қониқтирмади», «Топшириқ вазирлик томонидан бажарилмаган», «Давлат дастурининг

**Жамоатчилик фикри ҳаммиса ҳам жамият барча аъзоларининг умумлашган, бир мақсадга йўналтирилган фикри бўлмаслиги мумкин, кўп ҳолларда у маълум муаммога ёки воқеа-ҳодисага бевосита алоқадор (у ёки бу маънода дахлдор) кишиларнинг манфаат илжинидаги фикри, шахсий қароши, муносабати шаклида юзага чиқади.**



**МУАССИС:**  
**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**  
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**  
**Ҳусан ЭРМАТОВ**  
**Бўлимлар:**  
Касба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73  
**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.**

**Манзилимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz  
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Sharq» нашриёт-матбаа аждардорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турк кўчаси, 41-уй. **Баҳоиси келишилган нархда.**  
**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001.  
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЗ: 58130

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах – (+998-99) 889-90-34  
Наманган – (+998-99) 889-98-02  
Навоий – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент – (+998-99) 889-90-25  
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона – (+998-99) 889-98-24  
Хоразм – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27  
«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
С. Абдураҳмонов  
**Мусаҳҳих:**  
С. Шодиева  
**Саҳифаловчи:**  
Х. Абдуҷаҳидов  
ЎАД якуни – 22.00  
Топширилди – 22.20  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюджетга Г – 917.  
28020 нускада босилди. Нашр «Ishonch»нинг 133

**Ирода Менда ҳаммаси зўр!**  
Эътибор берганмисиз, оптимист одам бошқаларга нисбатан ҳаётда кўпроқ ютуқларга эришади.

Ишдаги муваффақият, оиладаги фаровонлик, гўзал қиёфа ҳуллас, ер юзидagi омадининг барчаси уларники гўё. Сиртдан қараганда, улар ҳаёт қийинчиликларига камдан-кам юз тутадигандек. Аслида олганда улар қийинчиликларни табассум билан қарши ола билганликлари учун ҳам бизга шундай туюлади. Бир сўз билан айтганда, яшайдан завқ оладилар. Шунинг учун ҳам улар омадди.

Оптимист бўлиш – юзни ажинлардан, қалбни эса ғуссалардан халос этади. «Тўғри айтишда, оптимизм – бу қалб ҳолати. Қалб эса алдашни билмайди, китоб саҳифалари ва стероидлар ортита беркинмайди. У фақат ҳис этади». Ушбу фикр 110 йил умр кўрган прагалик машҳур пианиночи Элис Херц-Зоммерга тегишли. Элис ҳаётининг сирини у ўта мураккаб умр кечирганига қарамастан ўзининг гўзаллиги ва саломатлигини сақлаб қолганидир.

У Прагада туғилиб ўсди, Холокостда барча оила аъзоларини йўқотди, Терезиенштадт лагерига елғиз қолди. Ўзининг иқтидорига ҳамда оптимизми билан тақдирига битилган барча бахтсизлик ва ҳасратларни энгиб, узоқ, гўзал умр кўрди. Бунинг сирини у 2014 йил, ўлимидан бирмунча вақт илгари шундай изоҳлади: «Ҳаёт гўзалми, йўқми? Бу фақат менинг ўзимга боғлиқ, ҳаётга эмас. Мен барча яхшиликка интиланман, чунки пессимизм ва қаҳрга (ғазабга) эътибор бериш учун менда вақт ҳам, хоҳиш ҳам йўқ».

Элис Херц-Зоммернинг қисмати умумэтироф этилган – оптимистларнинг саломатлиги мустаҳкам ва умри узун бўлади, деган фикрни тасдиқлайди. Ўз-ўзидан савол туғилади: оптимист ва пессимист ўртасида фарқ нимада? Яшаш учун ким бўлиш аслида фойдалироқ – оптимистми ёки пессимист? Олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, оптимистлар одатта кўра руҳий зўриқишга осон чан бера оладилар, жиддий хасталиклардан кейин тезда тикландилар ва сурункали касалликларга мослашадилар. 900 нафар кекса киши орасида олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатадики, оптимист даражаси қанча юқори бўлса, яқин 10 йил орасида ўлим ҳолатининг рўй бериши қисқаради. Олимларнинг фикрича, оптимизмнинг инсон саломатлигига ижобий таъсирини чекиши ташлашга тенглаштириш мумкин.

Мақолаимизни 93 йил умр кўрган Шимон Перенунг фикри билан якунлашни лозим топдик: «Оптимист ҳам, пессимист ҳам дунёга устун бўлмайди, шундай экан, оптимист бўлганимиз маъқул эмасми?».

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,  
«ISHONCH»